

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ОБЛОМУРАДОВА ХАБИБА НАИМОВНА

**ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МИССИОНЕРЛИКНИНГ ОЛДИНИ
ОЛИШ УСУЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ
(ижтимоий-фалсафий таҳлил)**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of the Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences**

Обломурадова Хабиба Наимовна

Глобаллашув шароитида миссионерликнинг олдини олиш
усуллари ва воситалари (ижтимоий-фалсафий таҳлил) 3

Обломурадова Хабиба Наимовна

Методы и средства предотвращения миссионерства в условиях
глобализации (социально-философский анализ) 23

Oblomuradova Khabiba Naimovna

Methods and means of preventing missionary in the condition
of globalization (social-philosophical analysis) 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ОБЛОМУРАДОВА ХАБИБА НАИМОВНА

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МИССИОНЕРЛИКНИНГ ОЛДИНИ
ОЛИШ УСУЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ
(ижтимоий-фалсафий таҳлил)

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Fall169** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация **Ўзбекистон Миллий университетида** бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-falsafa@nuu.uz) ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тўйчиев Берликул Турақулович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Алиев Бекдавлат Алиевич
фалсафа фанлари доктори, профессор

Хайдаров Хуррам Фармонович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат транспорт университети

Диссертация ҳимояси **Ўзбекистон Миллий университети** ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 23 сентябрь соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. **Ўзбекистон Миллий университети** Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-кават, 511-хона. Тел: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан **Ўзбекистон Миллий университетининг** Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (86-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2021 йил 13 сентябрь куни таркатилди.
(2021 йил 13 сентябрдаги 27 рақамли реестр баенномаси.)



И.Эргашев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор

Г.М.Рузматова,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа фанлари доктори, профессор

О.Ж.Нишоновна,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юз бераётган глобал ўзгаришлар таъсирида айрим гегемон кучлар бошқа давлатларни, минтақаларни, жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан қайта бўлиб олишга уринмоқда. Бундай амалиётнинг хавфи руҳий-диний омилларга геосиёсий тус берилаётгани, муқаддас динлар хавф-хатарнинг кучли катализаторига айлантирилиши, халқлар анъанавий дунёқарашининг бузилиши ва этноконфессионал беқарорликни келтириб чиқаришда ҳам намоён бўлмоқда. Айти пайтда миссионерликнинг бузгунчи стратегияларига ривожланаётган цивилизация тақдим этган янги имкониятлар қўшилиши муаммонинг кўламини кенгайтириб юбормоқда. Дунёнинг этноконфессионал манзараси шаклланиб бўлган вазиятда жамиятнинг, ҳатто, кичик бир қисми онгида бошқа янги конфессиявий «қоидалар»ни жорий қилиш миллий хавфсизлик учун жиддий муаммодир.

Жаҳоннинг бир қатор етакчи илмий тадқиқот институтлари ва илмий марказларида миссионерлик ва прозелитизм мафкуравий ва ижтимоий-сиёсий таҳдид сифатида баҳоланаётгани, бу фаолият тури пировардида турли халқ, миллат ёки элатларнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигига салбий таъсир ўтказиши фаол ўрганилмоқда. Уларда миссионерлик стратегиясининг нафақат дунёнинг табиий-жўғрофик бойликлари, балки инсон капиталига қаратилиши, ижтимоий оқибатлари илмий тадқиқ қилинмоқда. Шу сабабли ҳам бугун дунёнинг 81 та давлатида миссионерлик фаолияти тақиқланган, 33 та давлатда эса прозелитизм ҳаракати умуман ман қилинган, ушбу мамлакатларда бу таҳдидларнинг хавфини бартараф қилишга қаратилган кенг кўламли тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда жамиятимиздаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва эътиқод эркинлигига таҳдид туғдираётган миссионерлик каби мафкуравий хуружларни вақтида сезиш, таъсир доирасини аниқлаш, энг муҳими – уларга қарши ишончли ҳимоя тизимини яратиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. «Авваламбор, «оммавий маданият» кўринишида кириб келаётган турли таҳдидлар, гиёҳвандлик, диний экстремизм, миссионерлик каби бало-қазолардан ёшларимизни асраш, уларнинг таълим-тарбиясига ҳар биримиз масъул эканимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак»¹. Мазкур даъват ижтимоий фанлар зиммасига вужудга келаётган муаммоларни ўрганиш, оқибатларини таҳлил қилиш ва муносиб ечимлар топишда объектив, янгича методологик ёндашувларга асосланган тадқиқотлар олиб бориш вазифасини юклайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 5 июлдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон,

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 89.

2018 йил 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5416-сон фармонлари, 2019 йил 8 апрелдаги «Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5465-сон Фармойиши ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакат барқарорлиги, жамият хавфсизлиги ва осойишталигига хавф солаётган миссионерлик, прозелитизм каби мафкуравий хуружларни вақтида сезиш, таъсир доирасини аниқлаш, энг муҳими – уларга қарши ишончли ҳимоя тизимини яратишга доир ғоялар барча даврларда олимларнинг илмий таҳлил объекти бўлган.

Хорижлик олимлардан Р.Адлер² христианликнинг илк давридан ҳозирги давримизгача бўлган миссионерлик услублари, П.Бурдьё³ жаҳондаги диний майдон генезиси ва тузилмаси, Д.Бош⁴ миссионерликнинг ўзгарувчан характери ва хусусиятлари, П.Сорокин⁵ инсон, цивилизация ва жамият муносабатларида миссионерлик каби ҳодисаларнинг салбий таъсири, К.Сорокин⁶ замонавий дунёнинг геосиёсий харитасида дин ва миссионерлик омили, А.Тимошук, И.Федотова, И.Шавкунов⁷ миссионерликнинг олдини олишда диншунослик соҳасидаги тадқиқотларнинг аҳамияти, Н.Трофимчук, М.Свищев, А.Клибанов⁸ эса миссионерлик стратегиясининг элементлари, механизмлари ва амалга ошириш йўллари, Д.Таевский⁹ христианлик тарихида миссионерликнинг вужудга келиши ва ривожланиши, В.Коник¹⁰ ижтимоий таълимотлар ва миссионерлик фаолияти, Иегова шоҳидлари оқими фаолиятининг танқидий таҳлили, И.Лаврецкий¹¹ дин, молия ва сиёсатдаги уйғунлашган жиҳатларни ўрганишган.

² Адлер Р. Миссионерские методы во времена апостола Павла и в наши дни. – М.: Логос, 1993. – 215 с.

³ Бурдьё П. Социология политики. – М.: Socio-Logos, 1993. – 336 с.

⁴ Бош Д. Преобразование миссионерства: Сдвиги парадигмы в богословии миссионерской деятельности: Пер. с англ. – СПб.: Христианское общество Библия для всех, 1997. – 640 с.

⁵ Сорокин П. Система социологии. – СПб.: Петроград, 1920. – С. 241-435.

⁶ Сорокин К. Геополитика современности и геостратегия России. – М.: РОССПЭН, 1996. – 168 с.

⁷ Тимошук А., Федотова И., Шавкунов И. Введение в религиоведение. Учебное пособие. ВЮИ ФСИН России. – М.: Владимир, 2014. – 136 с.

⁸ Трофимчук Н., Свищев М. Элементы стратегии миссионерской деятельности: механизмы и нормы их практической реализации. Сайт Псифактор. Экспансия (– М, 2000); Свищев М. Миссионерская деятельность в контексте геополитики. – М.: РАГС, 1999. – 143 с.; Клибанов А. Религиозное секстанство в прошлом и настоящем. – М.: Наука, 1973. – 256 с.

⁹ Таевский Д. Синкретические религии и секты. – СПб.: Северо-Запад, 2007. – 576 с.

¹⁰ Коник В. Иллюзии Свидетелей Иеговы. – М.: Советская Россия, 1981. – 176 с.

¹¹ Лаврецкий И. Колонизаторы уходят – миссионеры остаются. – М.: Изд. ак. наук, 1963. – 31 с.

Шунингдек, ўзлари мазкур оқимларга бевосита ёхуд билвосита алоқадор бўлган муаллифлар ишларини ҳам келтириб ўтиш мумкин. Ушбу ишларда ўрганилаётган муаммога кўпроқ бир ёқлама ёндашиш ҳолати кузатилади. Жумладан, Я.Трофимов, В.Иванов¹² Қозоғистонда диний ислоҳотлар ва миссионерликка қарши кураш, М.Иванов¹³ Россиядаги евангел баптист черкови фаолияти, Эндрю Кристиан ван Гордер, А.Гирскис¹⁴нинг китобларида муайян бир диний эътиқод манфаатларидан келиб чиқиб, миссионерлик фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари ёритилган.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналишида хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашга қаратилган вазифалар ҳамда соҳадаги муаммолар таҳлиliga бағишланган бир қатор асарларда миссионерлик ва прозелитизмнинг олдини олиш, унга қарши курашишда диний маърифатнинг жаҳолатдан устувор эканига оид концептуал ғоялар илгари сурилган. Жумладан, Н.Комилов¹⁵ дунёвий давлат шароитида динга бўлган муносабат, Н.Жўраев¹⁶ миссионерликнинг ахборот хавфсизлигига таҳдиди, У.Уватов¹⁷ миссионерликка қарши курашда миллий маънавий меросимизнинг аҳамияти, Ш.Пахрутдинов¹⁸ дунёвий давлатчилик шароитида диний ақидапарастликнинг хавфи, Т.Жўраев¹⁹ сиёсийлашган динийликнинг ижтимоий оқибатлари, Б.Тўйчиев²⁰ мафкуравий таҳдидларга қарши курашнинг ижтимоий-фалсафий муаммолари, М.Бекмуродов²¹ диний мутаассибликнинг олдини олишдаги социологик методлар, М.Қуронов²² миссионерликнинг маънавий ҳаётимизга салбий таъсири, С.Отамуротов²³ глобаллашув шароитида миссионерлик каби таҳдидларнинг хавфи, Қ.Назаров миссионерлик каби мафкуравий таҳдидларнинг миллий қадриятларимизни емириши, И.Саифназаров²⁴ динлараро ҳамжиҳатликнинг ижтимоий барқарорлик омили экани, А.Очилдиев, Ж.Нажмиддинов²⁵

¹² Трофимов Я., Иванов В. Христианство в Казахстане. – Караганда: Болашак-Баспа, 2006. – 78 с.; Трофимов Я. Религия и политика. Учебно-методическое пособие. – Караганда: Болашак-Баспа, 2002. – 168 с.; Иванов В., Трофимов Я. Религии в Казахстане: справочник. – 2 изд. – Алматы: Аркаим, 2003. – 238 с.

¹³ Иванов М. Веруем: катехизис для церквей евангельских христиан-баптистов. – М.: Новости, 2006. – 144 с.

¹⁴ Эндрю Кристиан ван Гордер. Постсоветское протестантские миссии в Средней Азии. Газета Протестант, 10.09.2013; Гирскис А., Яунишкис Б. Я миссионер. – М.: Политиздат, 1975. – 63 с.

¹⁵ Комилов Н. Маънавий камолот илми // Илмий-таҳлилий ахборот. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2003. – №2. – Б. 10.

¹⁶ Жўраев Н. Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 28 б.

¹⁷ Уватов У. Буюк юрт алломалари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 121 б.

¹⁸ Пахрутдинов Ш. Таҳдид – ҳалокатли куч. – Тошкент: Akademiya, 2001. – 66 б.

¹⁹ Жўраев Т. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик. – Тошкент: Akademiya, 2007. – Б. 89.

²⁰ Тўйчиев Б. Политическая культура и демократизация общества. – Ташкент: Шарқ, 2009. – 219 с.

²¹ Бекмуродов М. Миссионерлик ва прозелитизм: мақсадлар, вазифалар, усуллар. Ўқув-услубий семинарлар бўйича материаллар тўплами. – Тошкент, 2012. – Б. 253-262.

²² Қуронов М. Ниқоб ортига бир нигоҳ. – Тошкент: Маънавият, 2018. – 11 б.

²³ Отамуротов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 456 б.

²⁴ Саифназаров И., Обидов А. Динлараро ҳамжиҳатлик – ижтимоий барқарорлик омили. – Тошкент: Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi, 2019. – 142 б.

²⁵ Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2009. – 70 б.

миссионерликнинг мафкуравий таҳдид сифатидаги замонавий муаммолари, Ш.Абдурасулов²⁶ ислом динида миссионерликни амалга оширувчи оқимлар, Ш.Қаҳҳорова²⁷ миссионерликка қарши курашда маънавий идеалнинг имкониятлари, А.Эркаев, С.Яздонова²⁸ миссионерликка қарши кураш, унинг олдини олишдаги ижтимоий-фалсафий муаммолар, Ў.Ҳасанбоев, Э.Ибрагимов²⁹ миссионерликнинг моҳияти, илдизлари ва замонавий кўринишлари, Д.Раззоқов³⁰ миссионерлик фаолиятининг маънавиятимизга таҳдиди, М.Мусаев, А.Ташанов³¹ томонидан эса миссионерликнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатлари ўрганилган. Мазкур тадқиқотларда миссионерлик, прозелитизм муаммосининг турли жиҳатларига холис ва танқидий ёндашилиб, Марказий Осиё ҳудудига миссионерлик натижасида кириб келган диний эътиқод шакллари, ҳозирда Ўзбекистон ҳудудидаги миссионерлик ташкилотлари фаолияти каби масалалар ҳам анча кенг очиб берилган. Буларнинг барчаси ушбу илмий тадқиқотга асос бўлиб хизмат қилди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси таҳлили шуни кўрсатадики, республика ва хорижда амалга оширилган тадқиқотларда миссионерликнинг ривожланиш босқичлари тарихи, ҳозирги кунда миссионерлик фаолияти шаклан динни тарғиб қилишдек кўринса-да, аслида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳамият касб этиб бораётгани, бу хусусият, айниқса, глобаллашув шароитида янгича тус олаётганини назарда тутиб, унга қарши курашишнинг усул ва воситалари махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Шу боис, «Глобаллашув шароитида миссионерликнинг олдини олиш усуллари ва воситалари (ижтимоий-фалсафий таҳлил)» муаммосини диссертация мавзуси сифатида илмий, фалсафий тадқиқ этишга ҳаракат қилинди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Марказий Осиё халқлари маънавий, маданий, диний кадриятлари ва ҳозирги замон» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади глобаллашув шароитида миссионерликка қарши кураш усуллари ва воситаларини очиб беришдан иборат.

²⁶ Абдурасулов Ш. ва б. Маънавий таҳдидлар: миссионерлик на прозелитизм (моҳияти, келиб чиқиши, шакллари, муаммолар). – Тошкент: Маънавият ва маърифат маркази, 2011. – Б. 28.

²⁷ Қаҳҳорова Ш. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. – Тошкент: Тафаккур, 2009. – 448 б.

²⁸ Эркаев А. Ўзбекистон йўли. – Тошкент: Маънавият, 2017. – 312 б.; Яздонова С. Ўзбекистонда миссионерлик ҳаракатининг ижтимоий-фалсафий таҳлили. Фал. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – Б. 15.

²⁹ Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014. – Б. 88; Ибрагимов Э. Ўзбекистонда христиан конфессиялари фаолияти ва уларнинг диний бағрикенглик анъаналари шаклланишида тутган ўрни. Тар. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – 13 б.

³⁰ Раззоқов Д. Миссионерлик фаолиятининг маънавиятимизга таҳдиди ҳақида. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси, 2014. – №2. – Б. 66-69.

³¹ Мусаев М. Глобаллашув шароитида миссионерлик ва прозелитизмнинг жамият хавфсизлигига таҳдиди. Сиё. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 50 б.; Ташанов А. Бузғунчи ғояларнинг миллий ўзлиқни англашга салбий таъсири. Фал. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 14 б.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миссионерликнинг ижтимоий-фалсафий моҳиятини ёритиш, уни сабаб ва фаолият турига кўра таснифлаш орқали ижтимоий-фалсафий муаммолари кўламини очиб бериш;

глобаллашув шароитида замонавий миссионерлик ҳаракатларининг дунё халқлари, жамият ва миллат ҳаётига хавфи кучайиб бораётганлигини асослаш;

Ўзбекистонда миссионерликнинг олдини олишдаги маънавий, мафкуравий ислоҳотлар стратегиясининг концептуал хусусиятлари, ушбу йўналишда амалий чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон шароитида миссионерликнинг миллий дунёқараш ва маънавиятга салбий таъсирини бартараф қилиш бўйича ижтимоий-фалсафий тадқиқотларнинг истиқболли йўналишларини белгилаш, уларнинг самарали усул ва воситаларини аниқлаш, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда глобаллашув шароитида миссионерлик фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предметини миссионерликнинг олдини олиш усуллари ва воситаларининг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анализ ва синтез, тизимлаштириш, қиёсий таҳлил, анкета-сўровнома усулларида ҳамда ўзаро алоқадорлик, тарихийлик, манتيқийлик тамойилларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

миссионерлик терминологияси, генезиси, эволюцияси ва дунё динларида намоён бўлиши, унинг анъанавий ҳамда замонавий кўринишлари, прозелитизмдан фарқи ҳамда миссионерликни татбиқ этиш механизмлари, қамров, жалб этиш, таъсир, таҳдид усулларидаги иқтисодий, ижтимоий, молиявий, руҳий-психологик омиллар билан боғлиқ ўзгариш ва янгиланишлар қиёсий очиб берилган;

миссионерликнинг деструктив, манипулятив, эсхатологик, мослашувчанлик, ўзгарувчанлик қиёфаси, уни амалга ошириш шакллари – хайрия ёрдами кўрсатиш, тиббиёт, таълим, туризм, ижтимоий ҳимоя, маданият ва санъат соҳалари имкониятларидан фойдаланиш орқали намоён бўладиган миссионерлик амалиётининг диний секта кўринишидаги очиқ ва ниқобланиш характеридаги яширин кўринишлари динлараро бағрикенглик принципларига зидлиги асосланган;

миссионерликнинг замонавий троллинг (trolling – ижтимоий провокация ёки онлайн мулоқотнинг безорилик шакли) ва доксинг (троллинг ортидан келиб чиқадиган шантаж ва таҳдид усули) кўринишлари – ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланган ҳолда руҳий таъсир ўтказиш тарзида ўзга динларга даъват қилишдек ғоявий таҳдиднинг виждон эркинлигига зид эканлиги фалсафий-психологик ва ҳуқуқий нуктаи назардан очиб берилган;

норасмий диний конфессиялар ва диний секталарнинг миссионерликнинг динамик мослашувчанлик ҳамда кучли ниқобланиш усуллари орқали Ўзбекистондаги миллий, диний ҳамда ҳудудий ўзига

хосликларга таҳдидига жавобан қонуний, илмий-фалсафий ва диний маърифат билан конкрет ёндашишнинг мамлакатда миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжихатликни таъминлаш омили эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

миссионерликнинг дунё геосиёсий харитасига таъсири, фазони бошқаришда руҳий-диний омилларнинг роли цивилизациялар тўқнашувининг янги тўлқинларини келтириб чиқариши очиб берилган;

оила, маҳалла, мактабгача таълим муассасалари, ўрта, олий таълим тизимида миссионерлик ва прозелитизмнинг ижтимоий, психологик таъсир кўрсатиш усул ва воситаларига қарши «жаҳолатга қарши маърифат» тамойилидан фойдаланиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти миссионерликнинг миллатлар ва давлатлар тараққиёти, барқарор ривожланишига кўрсатаётган салбий таъсирига қарши ва унинг олдини олиш бўйича самарали маънавий-мафкуравий фаолиятни такомиллаштиришга оид илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда илмий-услубий асос сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ундаги назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан давлат ва нодавлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтларида миссионерлик фаолиятига қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашга қаратилган семинар-тренинглар ташкил этишда ҳамда олий таълим муассасаларида «Тарбия», «Диншунослик», «Маънавиятшунослик» каби фанлар бўйича маъруза матнлари тайёрлашда, семинар машғулотлари ташкил этишда, профессор-ўқитувчиларнинг тарбияга оид амалий фаолиятида, талабаларнинг мустақил таълим олишида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Глобаллашув шароитида миссионерликнинг олдини олиш усуллари ва воситаларининг ижтимоий-фалсафий таҳлили бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

миссионерлик терминологияси, генезиси, эволюцияси ва дунё динларида намоён бўлиши, унинг анъанавий ҳамда замонавий кўринишлари, прозелитизмдан фарқи ҳамда миссионерликни татбиқ этиш механизмлари, қамров, жалб этиш, таъсир, таҳдид усулларидаги иқтисодий, ижтимоий, молиявий, руҳий-психологик омиллар билан боғлиқ ўзгариш ва янгиланишларига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан ҳамкорликда янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг 3, 11-моддалари нормаларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2020 йил 16 октябрдаги 5172-сон маълумотномаси). Натижалар Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиши ва унинг бажарилиши сифатини оширишга хизмат қилган;

миссионерликнинг деструктив, манипулятив, эсхатологик, мослашувчанлик, ўзгарувчанлик қиёфаси, уни амалга ошириш шакллари – хайрия ёрдами кўрсатиш, тиббиёт, таълим, туризм, ижтимоий ҳимоя, маданият ва санъат соҳалари имкониятларидан фойдаланиш орқали намоён бўладиган миссионерлик амалиётининг диний секта кўринишидаги очиқ ва ниқобланиш характеридаги яширин кўринишлари динлараро бағрикенглик принципларига зидлигига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази томонидан давлат ижтимоий буюртмаси асосида тайёрланган «Ўзбекистон – бағрикенг диёр» номли китоб-альбом лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот марказининг 2021 йил 28 июндаги 02/265-сон маълумотномаси). Натижалар жамият хавфсизлиги ва ижтимоий-сиёсий барқарорлигига хавф солувчи турли ғоявий, мафкуравий ҳамда ахборот хуружларига қарши курашнинг замонавий омиллари ва механизмларини бойитишга хизмат қилган;

миссионерликнинг замонавий троллинг (trolling – ижтимоий провокация ёки онлайн мулоқотнинг безорилик шакли) ва доксинг (троллинг ортидан келиб чиқадиган шантаж ва таҳдид усули) кўринишлари – ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланган ҳолда руҳий таъсир ўтказиш тарзида ўзга динларга даъват қилишдек ғоявий таҳдиднинг виждон эркинлигига зид эканлигига оид хулосалардан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2019 йилга мўлжалланган иш режасининг «Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури»нинг 7-боб 71-банди ижроси юзасидан «Барчаси ўз қўлингда!» тарғибот декадасини ташкил этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2020 йил 11 мартдаги 04-13/1014-сон маълумотномаси). Натижалар ёшларда Интернет тизимидаги турли хил ғоявий, мафкуравий, психологик таҳдидларга қарши сиёсий хушёрлик, компетентлик, билим ва малакаларини шакллантириш ҳамда ахборот истеъмоли маданиятини оширишга хизмат қилган;

норасмий диний конфессиялар ва диний секталарнинг миссионерликнинг динамик мослашувчанлик ҳамда кучли ниқобланиш усуллари орқали Ўзбекистондаги миллий, диний ҳамда ҳудудий ўзига хосликларга таҳдидига жавобан қонуний, илмий-фалсафий ва диний маърифат билан конкрет ёндашишнинг мамлакатда миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжихатликни таъминлаш омили эканлигига оид хулоса ва таклифлардан Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг «Долзарб мавзу» номли кўрсатуви сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 12 июлдаги 09-

09/391-сон маълумотномаси). Натижалар фуқароларда миссионерликнинг манипуляцион технологияларига қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, диний-маърифий саводхонлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, жумладан, 4 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий конференцияларда маъруза шаклида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола (7 таси республика, 3 таси хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 153 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар сони, тадқиқотнинг тузилиши асосланган.

Диссертациянинг «**Миссионерлик**» тушунчаси ва миссионерлик фаолиятининг илмий-назарий ва методологик таҳлили деб номланган биринчи бобида миссионерликнинг луғавий ва истелоҳий мазмуни, таъриф ва тавсифи, кўринишлари, ривожланишининг асосий босқичлари ва омиллари, геосиёсий мақсадлари, унинг ғоявий-назарий асослари, шунингдек, миссионерлик марказлари юзага келиш сабаблари, асосий омиллари ва уларни ривожлантирувчи, ҳаракатлантирувчи кучлар хусусиятлари очиқ берилган.

Диссертацияда глобаллашув шароитида маънавий-мафкуравий, сиёсий, иқтисодий ва диний таҳдид кўринишида намоён бўлаётган миссионерлик ва прозелитизм мафкуравий таъсир кўрсатишнинг нозик ва нисбатан арзон шакли сифатида аллақачон айрим сиёсий кучлар амалиётига айланиб улгурган, деган хулосага келинган. Бу миссионерликнинг диний фаолият сифатида ўзини тобора йўқотиб бораётгани, ундан турли хил секталар, гуруҳлар, ҳатто, давлатлар ҳам ўз сиёсий, мафкуравий, иқтисодий мақсадлари йўлида фойдаланаётгани билан асосланган. Яъни, бир қарашда оддий диний эътиқодга «тарғиб қилиш» ёки «ижтимоий ёрдам» кўрсатиш ниқоби ортида унинг асл мақсади кўзга ташланмайди. Бу борадаги муаммоларни бартараф қилиш йўлидаги қийинчиликларни жараённинг тизимли тарзда амалга оширилганлигида кўриш мумкин.

Шунингдек, тадқиқотда «миссионерлик» тушунчаси, турли манба ва адабиётлардаги таърифлар бир-бирига жуда яқин ва ўхшашлиги жиҳатидан кўриб чиқилган. Шунга кўра диссертацияда «миссионерлик» тушунчасига оид хилма-хил ёндашувларнинг қиёсий таҳлили асосида шакллантирилган таърифи таклиф қилинган: «Миссионерлик бу – муайян шахс, гуруҳ ҳамда ташкилотлар томонидан маълум бир динга эътиқод қилувчи халқлар, миллатлар, элатлар орасида бошқа бир динни турли хил усул ҳамда воситалар орқали тарғиб қилиб сингдириш асносида ўзининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, диний мақсадларини амалга оширишга йўналтирилган фаолият». Чунки унинг бугунги кунгача бўлган яширин моҳияти сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, диний жиҳатдан хавфли фаолият эканлигини кўрсатиб, бир қанча давлатлар ҳаётида узоқ йиллар сиёсий-ижтимоий бекарорлик омили бўлиб келган.

Диссертацияда миссионерлик тарихи шартли равишда даврларга ажратилиб, уларнинг таснифи ишлаб чиқилган: антик, классик, анъанавий ва замонавий миссионерлик. Қолаверса, миссионерлик фаолияти субъектлари, объектлари, мақсадлари, тарғибот усул ва воситаларига кўра типларга ажратилиб, унинг сиёсий, мафкуравий, иқтисодий ва диний турлари асослаб берилган. Шунингдек, миссионерликни фаолият турига кўра таснифлаш орқали унинг асосий назарий йўналишлари асосланган: ташкилий, географик, худудий ва услубий йўналиш.

Диссертацияда миссионерликнинг ўзига хос хусусиятларини англаш учун унинг кўринишларини тадқиқ этишнинг ўзи етарли эмаслиги таъкидланган. Миссионерликнинг моҳияти унинг кимлар томонидан қандай мақсадларда амалга оширилаётганлигида, яъни субъектлар фаолиятида ҳам намоён бўлади. Шу сабабли, тадқиқот объектнинг ички хусусиятларини билиш учун объектга тааллуқли бўлган тизимга хос жиҳатлар ҳам ўрганилган. Тадқиқот натижасида миссионерлик ташкилотлари иш олиб бориш хусусиятига кўра гуруҳларга ажратилиб, уларнинг таснифи асослаб берилган.

Тадқиқотда бугун дунёнинг диний манзараси ўзининг аниқ шаклу шамойилини касб этиб бўлган, турли халқлар асрлар давомида шаклланган диний-миллий кадриятларига эга бўлган бир даврда, илк «даъватчилик»дан фарқли равишда, миссионерлик миллатлар ҳамда жамиятларни диний асосда бўлиб юбориши оқибатида этноконфессионал зиддиятларни келтириб чиқаришга қаратилган бузғунчиликнинг бир кўриниши сифатида баҳоланган.

Диссертацияда XVIII асрнинг халқаро ҳуқуқ соҳасидаги таниқли мутахассиси Э.Ваттелнинг «Динни сиёсий мақсадларда суиистеъмол қилиш ва давлатнинг ёрдами билан динни яна сиёсий мақсадларда ишлатишнинг ноўрин эканлиги» тўғрисидаги ғояси³² тадқиқ этилган. Э.Ваттель «Ҳар қандай фанатик ўзини Худо йўлида курашяпман, деб ишонади ва ҳар қандай

³² Ваттель Э. Право народов, или Принципы естественного права, применяемые к поведению и делам наций и суверенов. – М.: Госюриздат, 1960. – С. 719.

мағрур одам бу баҳона билан босқин ва фатҳларини оқлайди»³³ деб, халқаро сиёсат ҳам бундан мустасно эмаслигини таъкидлайди. Тадқиқотда диний омиллар маълум бир цивилизациянинг кўринишини, аниқроғи, дунёнинг геосиёсий харитасини белгилайдиган хусусиятлар қаторига сунъий равишда киритилганлиги асослаб берилган. Шу жиҳатдан миссионерлик кўплаб давлатларнинг геосиёсий стратегиясининг муҳим элементи сифатида қаралса-да, айрим давлатларда унга қарши кураш бугун муҳим устувор вазифалардан бирига айланган.

Ишда Р.Адлер, Д.Монтгомери, В.Карвер³⁴нинг ҳарбий-стратегик назариялар томонидан фазонинг муҳим майдонларини бошқаришга доир ғоялари таҳлил қилиниб, бундай геосиёсий дизайн яратилишидан анча олдин, миссионерлар ўз фаолиятини шу принцип асосида ташкил қилгани асосланган.

Демак, миссионерлик фаолияти моҳиятини тушунишда у қўллаётган тактика ва стратегияни англаш муҳим саналади. Агар миссионерлик стратегиясининг муҳим элементларини аниқ ижтимоий гуруҳларни танлаш ва улар билан мақсадли ишлаш, диний жамоалар сонини кўпайтириш истаги, хайрия ишлари, таълим тизимига кириш кабилар ташкил қилаётганига назар ташланса, унинг моҳиятини англаб олишда қийинчилик юзага келмайди. Хусусан, миссионерлар таълим фаолияти имкониятларидан ўз мақсади йўлида фойдаланиш орқали ҳаёт принципларини ривожлантиришни эндигина бошлаётган болалар онгида ўз қадриятларини сингдиришга эришишади. Шунингдек, диссертацияда миссияларнинг ишлаш усуллари орасида миллий ташкилотлардан фойдаланиш, фаолият шаклларини диний дастурлар фонида яшириш, мамлакатнинг геосиёсий манфаатларига бевосита таъсир қиладиган жамият ҳаётининг шу каби соҳаларига таъсир кўрсатадиган потенциал ҳам борлиги очиб берилган.

Диссертацияда миссионерлик фаолиятининг асрлар давомида диний ва ахлоқий қадриятларнинг маълум бир тизимини дунёнинг бошқа қисмларида ёйиш фонида минтақалардаги анъанавий дунёқарашни йўқ қилиш ёки уни модернизация қилишда кўплаб таъсир усуллари синаб кўришгани ҳаётий мисоллар билан асосланган. Мазкур амалиёт ҳозирги кунда фазонинг цивилизациялашган бошқарувида рухий-диний омилларнинг роли геосиёсий аҳамият касб этиб бораётгани сабабли ҳам жамиятнинг, ҳатто, кичик бир қисми онгида бошқа конфессиявий «қоидалар»ни кўриш миллий хавфсизлик учун жиддий муаммо ҳисобланади.

Диссертацияда глобаллашув шароитида инсон онги ва қалбини забт этишда информацион миссионерликнинг ривожланиш динамикаси М.Серуло ва Б.Грэм лойиҳалари асосида очиб берилган. Унга кўра, «Сунъий йўлдош технологияси дунёни Саудия Арабистонидан Бразилияга ёки Брюсселдан

³³ Ваттель Э. Право народов, или Принципы естественного права, применяемые к поведению и делам наций и суверенов. – М.: Госюриздат, 1960. – С. 720.

³⁴ Адлер Р. Миссионерские методы во времена апостола Павла и в наши дни. – М.: Логос, 1993. – С. 73; Монтгомери Д. Рассвет 2000: навстречу 7 миллионов новых церквей. – М.: Логос 1993. – С. 8; Карвер В.О. Миссионерство и промысел Божий. – М.: Логос, 1993. – С. 121, 131.

Нью-Йорккача ёруғлик тезлигида юрадиган кичик бир коммунал қишлоққа айлантиргани», шу боис «Дунё географик жойлашуви, тили, маданий ўхшашлиги ва ибодат йўналиши бўйича 10 та минтақага бўлингани»³⁵ ва мазкур минтақалар бўйича муайян лойиҳалар иш олиб бораётгани келтирилган.

Диссертацияда миссионерлик сайтларидаги маълумотлар, тезкор ахборотлар ва янгиликлар таҳлил қилиниб, уларнинг бир вақтнинг ўзида бир неча тилда, миссионерлик манфаатлари асосида узатилиши, блог ва форумлари рус, ўзбек тилларида бўлиши нафақат юртимиз, балки Марказий Осиё минтақасида беқарорлик ҳолатларини келтириб чиқариш мақсади ётгани билан изоҳланади.

Масаланинг яна бир жиҳати мавжудки, диссертацияда айнан инфор­мацион миссионерлик фаолияти тактикаси ва стратегияси жамиятнинг ўрта ва қуйи қатламларига йўналтирилганлиги билан ҳам хатарли тус олаётгани асосланган. Жумладан, Президент Ш.Мирзиёев ёшлар билан учрашувда: «Интернет ва юқори технологиялар туфайли дунёда маданиятлар ва давлатлар ўртасидаги чегаралар йўқолиб бормоқда. Ҳозирда Интернет тармоқларида олтмиш мингдан ортиқ бузгунчилик, зўравонлик ва ахлоқсизликни, «оммавий маданият»ни тарғиб этаётган сайтлар фаолият кўрсатмоқда»³⁶, деди. Тадқиқотда статистикага асосланиб, дунё миқёсида Интернет фойдаланувчиларининг асосий қисмини 18 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар ташкил қилиши, уларда ҳали мафкуравий иммунитет, ахборот билан ишлаш маданияти тўлиқ шаклланмагани боис миссионерлик таъсирига тушиб қолиш хавфи юқорилиги очиқ берилган.

Диссертацияда сўнгги йилларда «миссионерлик» атамаси «кўнгилли», «халқаро ишчи» тушунчалари билан алмаштирилгани, черковлар ўртасидаги муносабатларнинг ташқи шакллари ўзгариб бораётгани асосланган. Аввал ишлатилган «ёрдам черкови» ва «эҳсон» атамалари ўрнини «тенг шериклик», «тенг черковлар ҳамкорлиги» каби иборалар эгалламоқда. Дастлаб, миссионерликнинг догматик асослари ва катта бойлик илинжи унинг ёйилишида муҳим роль ўйнаган бўлса, эндиликда бошқа минтақаларни мафкуравий ва сиёсий қарамликка солиш учун беҳисоб маблағлар йўналтирилмоқда. Диссертацияда молиявий маблағлар, дунёвий мотивларнинг миссионерлик фаолиятига таъсири, миссионерлик фаолияти билан шуғулланувчилар ўз миссионерлик фаолиятини давом эттириши ва турли лойиҳаларни, шу жумладан, хайрия лойиҳаларини амалга ошириши учун катта маблағ ажратишда давом этаётгани ҳаётий мисоллар билан асослаб берилган. Айниқса, ҳозирги миссионерларнинг аксарияти ўз фаолиятларида атайин ҳукуматларининг ташқи сиёсий дастурларига амал қилмайди ва сиёсий жараёнларда қатнашиш вазифасини қўймайди. Улар фаолиятининг бошланғич нуқтаси «қалбларни қутқариш» эди, бу

³⁵ Серуло М. Замысел // Миссия Всему миру 2000. – М, 1997. – С. 2-10.

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 27 декабрь куни Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан учрашуви // www.gazeta.uz/uz/2019/12/27/youth

миссионерлик фаолиятини сиёсий кучлар таъсири билан бошқариб бўлмаслигини кўрсатмоқда.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Миссионерлик кўринишидаги ғоявий таҳдидлар ва уларнинг намоён бўлиш шакллари**» деб номланиб, унда миссионерликнинг геосиёсий ва ғоявий мақсадлари, уларни амалга ошириш йўллари, Ўзбекистонда фаолият юритаётган миссионерлик ташкилотлари ҳамда кибермаконда амалга оширилаётган миссионерлик фаолияти очиб берилган.

Тадқиқотда миссионерликнинг геосиёсий омиллари таҳлил қилиниб, бу борада фазо энг муҳим сиёсий ва географик омил экани эътироф этилган. Чунки фазо шунчаки давлат эгаллаб олган ҳудуд бўлмай, унинг куч ва имконият белгиларидан биридир. Фазо халқларнинг кенгайиши содир бўладиган табиий доира бўлиб, ҳар бир давлат ва халқнинг ҳудудий эгаллиги мумкин бўлган чегаралари ҳақидаги ғояси мавжуд.

Диссертацияда фазо энг муҳим сиёсий ва географик омил эканлиги Ф.Ратцель ва К.Шмитт назариялари асосида асослаб берилган. Ф.Ратцелнинг фикрича, фазо нафақат одамларнинг жисмоний эволюциясини, балки унинг атрофдаги дунёга руҳий муносабатини ҳам белгилайди. Халқларнинг яшаш майдонини кенгайтириш, давлатнинг кудратини оширишнинг асосий йўллари ҳудудий кенгайиш, давлатнинг фазовий ўсиши бўлиб, кенгайиш эса ўз маданияти, динини ёйиш каби омилларга асосланади³⁷. Диссертацияда К.Шмиттнинг «Катта макон» геосиёсий назарияси³⁸дан келиб чиқиб, давлатнинг катта ҳудудий ҳажмга эга бўлиш истаги мустамлака қилиш, аннексия ёки ҳарбий босқинчилик билан боғлиқ эмаслиги, балки бир неча давлатлар ёки халқлар томонидан ягона диний, лисоний ёки маданий шаклда қабул қилиниши асосланган. Айнан миссионерлик каби кучлар диний шаклдаги империял интеграция принципини фаол қўллаш, инсон руҳиятининг универсализмга ўтишини тезлаштириш асосида ҳудудий кенгайишни мақсад қилиб қўйишга эътибор қаратади.

Тадқиқотда яқин вақтгача одамларнинг оммавий диний онги, муайян диний дунёқараш шаклланаётган ва мавжуд бўлган руҳий муҳитнинг ҳолати, конфессиялар ёки диний урф-одатларнинг муайян минтақада ҳукмронлиги ва чегарадошлиги деярли ҳисобга олинмаган, деб баҳо берилган. Аммо ушбу омиллар маконнинг ташқи дунё билан ўзаро муносабатлар табиати, иқтисодий ривожланиш, кенгайишга мойиллик даражаси каби муҳим хусусиятларни аниқлаш имконини беради. Шунингдек, диссертацияда миссионерлик фаолиятининг мазкур омиллар орқали апелляция мотиви, эсхатологик сабаб, манипулятив, мослашувчанлик, ўзгарувчанлик, ниқобланиш хусусиятлари, имонлилар жамоаларини бирлаштириш зарурияти, янги черковларни яратиш, черковнинг дунёда адолатни таъминлашдек эзгу нияти, мукамал жамият сифатида «Худо салтанати»ни

³⁷ Ratzel F. Politische Geographie. – Berlin: München und Leipzig, R. Oldenbourg, 1897. – S. 44; Ratzel F. Ueber die Gesetze des räumlichen Wachstums der Staaten. – Berlin, 1901. – S. 14.

³⁸ Тихонравов Ю.В. Геополитика. Учеб. пособие. – М.: Интел-Синтез, 1998. – С. 174.

ўрнатиш каби мақсад ва вазифаларини амалга оширишдаги алоқадорлик асослаб берилган.

Диссертацияда ҳозирги кунда республикада 16 та диний конфессияга мансуб диний ташкилотларнинг эркин фаолият олиб бориши, бу фаолиятнинг ҳуқуқий асослари очиб берилган. Ўзбекистонда диний тарғиботчилик, миссионерлик ва прозелитизм каби ҳаракатлар «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ тақиқланган бўлса-да, унинг мамлакатимиз ҳудудига қонунда қайд этилмаган турли йўллар билан кириб келиш хавфи сақланиб қолмоқда. Ишда миссионерлик билан шуғулланаётган айрим норасмий диний конфессияларнинг ақидаларида фуқароларнинг оила, жамият ва давлат олдидаги маънавий ва қонуний мажбуриятларига зид келувчи ғоялар мавжуд эканлигига ҳам эътибор қаратилган. Жумладан, тадқиқотда «Кришнани англаш жамияти», Баҳойлар жамоалари, «Евангель христиан баптистлар черковлари Кенгаши» ва «Иегова шоҳидлари» жамоалари фаолиятида ҳам фарзандларни севиш, уларни меҳр билан ахлоқий-маънавий тарбиялаш, яқинларига яхшилик қилиш, Ватанга ҳурмат ва садоқат каби халқимизнинг миллий қадрият ва анъаналарига мутлақо тескари қараш ва ғоялар тарғиб қилинаётгани асосланган. Шунингдек, ишда «Бирлашиш черкови», «Оқ биродарлик», «Аум-Синрикё», «Саентологик черков», «Адвентизм» каби диний секталар ва миссионерлик ҳаракатлари Марказий Осиё давлатлари ичида ҳар томонлама катта нуфузга эга Ўзбекистонда ўз ўчоқларини яратишга интилаётгани келтирилган. Таҳлилларга кўра, бугунги кунда МДХ ҳудудида 45 дан ортиқ ана шундай секталар фаолият кўрсатаётгани аниқланган. Хусусан, диссертацияда Тернополь миссионерлик институти директори Михаил Резникнинг: «Марказий Осиё минтақасида 8 та лойиҳа бўйича иш олиб борилаётгани, бу ҳали фақат бошланиши»³⁹, деган огоҳлантиришига эътибор қаратилган. Мазкур ҳолат ҳозирда Марказий Осиё, айниқса, республикада ҳудудида миссионерлик фаолиятини алоҳида бир конфессия вакилларининг соф диний фаолияти сифатида эмас, балки аниқ стратегия асосида тизимли равишда минтақа мамлакатлари миллий хавфсизлиги ва жамиятнинг маънавиятига қарши амалга оширилаётган экспансия сифатида баҳоланган.

Тадқиқотда диний коммуникациялар соҳасига янги технологияларнинг таъсири ва технологик соҳанинг тез ўзгариши натижасида янги аср бошига тегишли бўлган фараз ва тадқиқотлар бугунги кунда эскириб бўлгани асосланган. Чунончи, тадқиқотчилар Интернетни дастлаб анъанавий диний қадриятларга таҳдид соладиган ва черков обрўсини йўқотишга қодир янги «куч» деб билишди. Бу ҳолатда у анъанавий қадриятларга, шу жумладан, динларга, диний жамоалар учун жиддий муаммо сифатида баҳоланган бўлса, бугунги кунда Интернет дин тарғиботининг муҳим омилига айланиб улгурди. Айни пайтда, кибермакондаги диний миссиялар моддий борлиқдагидан кўра хавфли ва хатарлироқ бўлиб бормоқда. Шу билан бирга, рақамли воқелик

³⁹ Куронов М. Огоҳлик: тарих ва замон сабоқлари. – Тошкент: Маънавият, 2015. – Б. 67.

нафақат миссиялар шакллари ва амалиёт усулларига (trolling, доксинг, хейтинг ва б.), балки уларнинг замирида ётган сохта динларга бўлган қизиқишни орттириб юбормоқда.

Хулоса қилиб айтганда, кибермакондаги янги диний маданият парадигмаси ва ахборот парадигмаси диний муассасалар ва диндорларга коммуникатив ҳамда метафизик жиҳатдан қатор қийинчиликларни келтириб чиқарди, бу эса диний амалиётлар сезиларли ўзгаришига олиб келди. Энг хатарли жиҳати, кибермаконнинг цензурасизлиги ва назорат қилиб бўлмаслиги миссионерлик ташкилотларининг тарғиботи ҳамда прозелитизм хавфини кучайтириб юбормоқда.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикасида миссионерликка қарши курашнинг стратегик йўналишлари**» номли учинчи бобида Ўзбекистонда миссионерлик ғояларининг диний ва миллий идентификацияга таҳдидлари ва уларга қарши курашда миллий ғоя, маънавий-ахлоқий тарбиянинг кучи ҳамда миллий таълим тизимининг имкониятлари асослаб берилган.

